

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КУЧКАРОВ КАХРАМОН ИСРАИЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СЕЙСМИК КУЗАТУВЛАР
ТАРМОҒИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кучкаров Кахрамон Исраилович

Ўзбекистон Республикаси сеймик кузатувлар тармоғининг самарадорлигини
баҳолаш3

Кучкаров Кахрамон Исраилович

Оценка эффективности сети сейсмических наблюдений Республики
Узбекистан.....21

Kuchkarov Kakhramon Israilovich

Evaluation of the effectiveness of the seismic observation network of the Republic
of Uzbekistan39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works42

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КУЧКАРОВ КАХРАМОН ИСРАИЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СЕЙСМИК КУЗАТУВЛАР
ТАРМОҒИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/FM667 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Сейсмология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.seismos.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Артиков Турдали Усманиевич

физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Туйчиев Ахмаджон Исмаилович

физика-математика фанлари доктори

Алимухамедов Илхом Мизратович

геология-минералогия фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Сейсмология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 й. «31» май соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй, Тел.: +99871 - 241-51-70; +99871 - 241-74-98; E-mail: seismologiya@mail.ru).

Диссертация билан Сейсмология институтининг Ахборот-ресурслар марказида танишиш мумкин (1145-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй; Тел. +99871 - 241-51-70.

Диссертация автореферати 2022 йил «13» май куни тарқатилди.

(2022 йил «13» май «9» рақамли реестр баённомаси)

К.Н. Абдуллабеков

Илмий даражалар берувчи

Илмий кенгаш раиси,

ф.-м.ф.д., академик

З.Ф. Шукуров

Илмий даражалар берувчи

Илмий кенгаш илмий котиби,

г.-м.ф фалсафа доктори (PhD)

С.Х. Максудов

Илмий даражалар берувчи

Илмий кенгаш қошидаги илмий

семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида сейсмометрлик кузатув натижалари асосида аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлашга, ернинг чуқурликдаги тузилиши ҳамда ундаги геодинамик жараёнларни ўрганишга, йирик саноат объектлари ва тўғонларнинг сейсмик хавфини баҳолашга, сейсмик фаол ҳудудларда сейсмик мустаҳкам бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда зилзилалар параметрларини юқори аниқлик билан қайд қила оладиган сейсмик кузатувлар тармоғини яратиш долзарб аҳамиятга эга бўлиб, аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал қилиш имкониятини беради.

Ҳозирги вақтда жаҳоннинг сейсмик фаол ҳудудларида жойлашган давлатларда ер қобиғининг кучланганлик-деформацион ҳолатини тўлиқ мониторинг қилиш мақсадида сейсмик кузатувлар аниқлигини ошириш ҳамда содир бўлган зилзилалар параметрларини тезкор аниқлаш усулларини яратиш соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада давлат органлари ва аҳолини зилзиладан эрта огоҳлантирувчи тизимларни яратиш, зилзила натижасида юзага келиши мумкин бўлган талофатларни камайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда аҳоли ва ҳудудларни сейсмик хавфдан ҳимоя қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сейсмология ва сейсмик чидамли қурилиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини жаҳон талаблари даражасига олиб чиқиш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Сейсмик хавфни баҳолашда ва зилзилалар даракчиларини қайд қилишда фойдаланиладиган станциялар тармоғининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, Республика ва трансчегаравий ҳудудларда, шунингдек табиий ва техноген хавфли ҳудудларда ҳамда муҳим объектларда сейсмик хавфсизлик бўйича мониторингни ташкил этиш, кучли ва талафотли зилзилалар содир бўлиши хавфи мавжуд бўлганида уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича илмий тадқиқотларни ўтказиш республика аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли вазифаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 1 июндаги «Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5066-сон Фармони, 2017 йил 9 августдаги “Сейсмология, сейсмик чидамли қурилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлиги соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3190-сонли, 2020 йил 30 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4794-сонли Қарорлари, ҳамда мазкур соҳада тегишли бошқа маъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республиканинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг – VIII «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сейсмик кузатувлар тармоғининг самарадорлигини баҳолаш бўйича бажарилган тадқиқотнинг долзарблигини глобал (Кондорская, Аранович 1970, 1971, 1972) ва минтақавий (Дубинская 1972) миқёсларда чоп этилган бир қатор илмий ишларда ҳам кўриш мумкин.

З.И. Аранович ва И.Б. Дубинскийларнинг ишлари маълум бир ҳудудлар учун нисбатан кам маълумотлар билан зилзила эпицентрининг координаталари хатолигини баҳолашга бағишланган. Ушбу ишларда мавжуд ва режалаштирилаётган станцияларнинг жойлашишига, станциялар қайд этган кўндаланг ва бўйлама тўлқинларнинг хатолигига қараб олинган аналитик ечим асосида 3 та сейсмик станциянинг бўлиши мумкин бўлган комбинациялари учун эпицентр координаталари ҳамда чуқурликларини аниқлашдаги хатоликлар баҳоланган. Бундай ҳолларда хатоликлар экстремал қийматлари бўйича солиштирилган.

1965 йилда Skoko D., Sato U., Ochi U. лар томонидан сейсмик станциялар сони 5 та бўлиши шарти билан зилзила ўчоғи координаталарини, ўчоқдаги вақтни ва сейсмик станцияларнинг жойлашишига қараб, тўлқин тарқалиш тезлиги хатоликларини аниқлаш алгоритмлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда З.И. Аранович, Т.У. Артиков, В.И. Уломов, Р.Н. Ибрагимов ва бошқалар томонидан янги алгоритм асосида сейсмик кузатувлар тармоғининг самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, унда зилзилаларни қайд этишнинг қуйи чегаралари энергия орқали ҳисоблаб топилган. Ушбу тадқиқотларда Марказий Осиёдаги сейсмик кузатувлар тармоғи маълумотлари орқали яқин атрофдаги зилзила ўчоқларининг координаталарини аниқлашдаги хатоликлар таҳлил қилинган.

Сўнги йилларда дунё бўйича сейсмик кузатувлар тармоғини баҳолаш ва уларни такомиллаштириш В.Ю. Бурминнинг оптималлаштирилган чизиқли системаларининг янги мезонларидан фойдаланган ҳолда баҳоланмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Сейсмология институти илмий

тадқиқот ишлари режасининг Ф8-ФА-0-13038 “Сейсמודинамик районлаштириш назариясининг ривожлантириш мақсадида турли сейсмотектоник шароитларида сейсмик жараён кечишини фундаментал қонунларини аниқлаш” (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Республикада сейсмик хавфсизликни таъминлашга қаратилган муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси сейсмик кузатув тармоғининг самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

грунтнинг тебраниш тезлиги ва уларнинг спектрал амплитудаларини масофа бўйича сўнишининг минтақавий боғлиқликларини аниқлаш;

республикадаги регионал сейсмик станцияларнинг самарадорлигини баҳолаш;

республикадаги регионал сейсмик кузатувлар тармоғининг самарадорлигини баҳолаш;

республикадаги регионал сейсмик кузатувлар тармоғини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг регионал сейсмик кузатувлар тармоғи олинган.

Тадқиқотнинг предмети турли хил қувватга эга бўлган зилзилалар натижасида, грунтнинг тебраниш тезлиги ва уларнинг спектрал амплитудаларини масофа бўйича сўнишининг минтақавий қонунияти ҳамда мавжуд сейсмометрик кузатувлар тармоғининг зилзилаларни қайд этиш имкониятини баҳолаш ва такомиллаштиришни ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда зилзилаларни қайд этишнинг қуйи чегарасини магнитудалар орқали ҳисоблаш, зилзилаларнинг координаталари, чуқурлиги ва ўчоқдаги вақтни аниқлаш алгоритмларидан, зилзила эпицентрини аниқлашда сфера ва гиперболоид усулларида, сейсмик маълумотларни таҳлил қилишда SeisComP3 ҳамда EL-WIN дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли хил энергияга эга бўлган зилзилалар учун грунтларнинг тебраниш тезлиги ва уларнинг спектрал амплитудаларини масофа бўйича сўнишини янги минтақавий боғлиқликлари аниқланган;

зилзилаларни қайд этишнинг қуйи чегарасини магнитудалар орқали ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

амалдаги сейсмологик кузатув тармоғининг зилзилаларни қайд этиш имкониятлари ҳамда зилзилаларнинг координаталари, чуқурлиги ва ўчоқдаги вақтни аниқлашдаги хатоликлар баҳоланган;

Республикадаги регионал сейсмик станцияларининг самарадорлиги баҳоланган;

Республикадаги регионал сейсмик кузатувлар тармоғи такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

грунтларнинг тебраниш тезлигини масофа бўйича сўнишининг янги минтақавий боғлиқлиги асосида зилзилаларни қайд этишнинг қуйи чегарасини белгиловчи M_{3min} , M_{6min} ва M_{40min} янги хариталар мажмуаси тузилган;

Давлат органлари ва аҳолига содир бўлган зилзила бўйича тўлиқ маълумот етказиш тизими яратилган;

Республикадаги сейсмик фаол ҳудудларда магнитудаси икки ва ундан юқори ($M \geq 2.0$) бўлган зилзилаларни қайд этиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган маълумотларнинг ишончлилиги республикадаги 40 та сейсмик станциялар ҳамда Марказий Осиё сейсмик кузатувлар тармоғининг 10 та станцияси, улардан 7 таси (Терек Сай – TRKS, Аркит – ARK, Арсланбоб – ARSB, Ош – ОНН, Суфи-Курган – SFK, Дараут-Курган – DRK ва Баткен - ВТК) Қирғизистон ҳудудида, 3 таси (Гарм – GRM, Симиғанж – SIMI ва Гезен - GZN) Тожикистон ҳудудида жойлашган сейсмик станциялар маълумотларини таҳлил қилиш орқали таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли хил энергияга эга бўлган зилзилалар учун грунтнинг тебраниш тезлиги ва уларнинг спектрал амплитудаларини масофа бўйича сўнишини янги минтақавий боғлиқликларини олиш, Ўзбекистон ҳудуди учун сейсмик хавфни баҳолаш тизими ва сейсмикликни мониторинг қилиш асосини ташкил этадиган сейсмометрик кузатувлар тармоғини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти зилзилалардан ҳосил бўлган тўлқинларининг динамикаси ва кинематикасини аниқлашга, табиий ва техноген хавфли ҳудудларда ҳамда муҳим иқтисодий объектлар қурилишида сейсмик хавфни турли миқёсларда баҳолашга асос сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси сейсмик кузатувлар тармоғининг самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

турли интенсивликдаги сейсмик таъсирни масофа бўйича сўнишини грунтларнинг тезлиги орқали ифодаланган янги эмпирик қонуниятлари Сейсмопрогностик мониторинг республика марказининг амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2021 йил 30 октябрдаги 2/4/32-3036-сон маълумотномаси). Натижада, республикамиз ва унга чегарадош бўлган ҳудудларда содир бўладиган зилзилалар кучини (магнитудаларда) ҳисоблаш аниқлигини оширишга хизмат қилган;

сейсмик станциялар тармоғининг кучсиз зилзилаларни қайд этиш имкониятини баҳолаш ҳамда сейсмик кузатувлар тармоғи бўйича зилзилалар координаталари, чуқурлиги ва зилзила ўчоғи вақтини аниқлашдаги хатоликларни ҳисоблаш натижалари Сейсмопрогностик мониторинг республика марказининг амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2021 йил 30 октябрдаги

2/4/32-3036-сон маълумотномаси). Натижада, Республика ва унга чегарадош ҳудудларда содир бўлаётган zilzilalar параметрларини аниқлашдаги хатоликларни камайтириш имконини берган;

сейсмик кузатувлар тармоғини баҳолаш натижасида 40 та сейсмик станциядан самарадорлиги юқори бўлган 26 та станциялар ажратиб олиниб, кўшимча станция очиш ҳисобига такомиллаштирилган сейсмик кузатувлар тармоғи Сейсмопрогностик мониторинг республика марказининг амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2021 йил 30 октябрдаги 2/4/32-3036-сон маълумотномаси). Натижада, zilzilalar параметрларини юқори аниқликда топиш ҳамда Ғарбий Ўзбекистон ҳудуди учун кучсиз zilzilalarни қайд этиш имкониятини икки баробарга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та мақола ва тезислар чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 107 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётда қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон ҳудудининг сейсмиклиги ва сейсмик кузатувлар ривожланишининг асосий босқичлари”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон ҳудудининг сейсмиклиги, республиканинг сейсмик районлаштириш ва Тошкент шаҳрининг сейсмиклиги тавсифланган, шунингдек, республикада сейсмик кузатувлар ривожланишининг босқичлари, унинг бугунги ҳолати, сейсмологик маълумотларни қайта ишлаш ва сейсмологик дастурий таъминотлар тизими ҳақида батафсил маълумот берилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди Тянь-Шан тоғ тизмаларининг ғарбий қисми ва Турон платформасини ўз ичига олган. Ушбу катта ҳудуд литосфера

плиталарининг мураккаб геодинамик ўзаро таъсири туфайли сейсмикликнинг турли хил кўринишлари билан характерланади. Шу боис, Ўзбекистон ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш муаммоси жуда долзарбдир.

Ўзбекистон ҳудудида бир қанча сейсмик фаол зоналар мавжуд бўлиб, уларнинг йўналиши магнитудаси $M \geq 5$ бўлган зилзилаларни келтириб чиқаришга қодир бўлган ер қобиғидаги йирик тектоник ёриқларнинг йўналиш чизиқларига мос келади. Ўзбекистон ва унга чегарадош бўлган ҳудудларда тарихда ва ҳозирги даврда ҳам магнитудаси $M \geq 7$ ва ундан юқори бўлган, эпицентрда $I=9-10$ балл интенсивликка эга бўлган зилзилалар содир бўлган.

Сейсмик хавфни баҳолашда ер қобиғининг фаол ер ёриқлари зонаси – зилзилаларни келтириб чиқарувчи зона, зилзила манбалари модели сифатида қабул қилинган. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида кучли зилзилалар содир бўлиши мумкин бўлган 30 га яқин зоналар ажратилган.

УСР-2017 харитаси Ўзбекистон ҳудудини умумий сейсмик районлаштириш меъёрий харитаси ҳисобланиб, республика ҳудудининг сейсмик хавфини балларда MSK-64 макросейсмик шкалада ифодаловчи, сейсмик таъсир 50 йил давомида кўрсатилган қийматдан ошмаслик $P=0,98$ бўлган ҳол учун қурилган.

Ўзбекистонда инструментал сейсмометрлик кузатувлар ўтган асрнинг бошидан ровожлана бошлади. Марказий Осиёда биринчи инструментал кузатувлар 1901 йилда Тошкентда сейсмик станция очилгандан сўнг олиб борила бошланди. Ўзбекистонда сейсмик ҳодисаларни мониторинги 2006 йилгача аналог (гальванометрик), 2006 йилдан бошлаб эса рақамли кўринишда қайд этила бошланган. Ўзбекистондаги сейсмик тармоқнинг асосий вазифаси яқин атрофдаги ер силкинишларини қайд этишдан иборат бўлган.

Ҳозирги вақтда Республикада 40 та сейсмик станция фаолият юритиб, уларнинг ҳар бири замонавий рақамли сейсмик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Сейсмик маълумотларни қайта ишлаш икки турдаги дастурлар ёрдамида амалга оширилмоқда:

- зилзилаларни тезкор қайта ишлаш Германияда Гельмгольц номидаги Потсдам маркази (GFZ) – Германия Ер тадқиқотлари маркази томонидан ишлаб чиқилган SeisComP3 дастури ёрдамида амалга оширилади;

- республика бўйича зилзилаларни қайта ишлаш Россия Фанлар академиясининг Ягона геофизика хизматида ишлаб чиқилган EL_WIN дастури ёрдамида амалга оширилади.

Диссертациянинг **“Грунтнинг тебраниш тезлиги ва уларнинг спектрал амплитудаларини сўнишининг минтақавий қонунияти”** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон ва унга чегарадош ҳудудларда содир бўлган $M=3,8-6,2$ зилзилалар велосиграммалари ва ушбу зилзилаларнинг спектрал таҳлили келтирилган. Турли хил энергияга эга бўлган зилзилалар учун грунтнинг тебраниш тезлиги ва уларнинг спектрал амплитудаларини масофа бўйича сўнишининг янги минтақавий боғлиқликлар асосида олинган.

Сейсмик тўлқинларнинг сўниш табиати ер қобиғининг тезлик тузилиши

(тўлқинларнинг ўтиши), минтақанинг геологик хусусиятлари, иссиқлик оқими, зилзила ўчоқларининг чуқурлигига ва бошқа омилларга боғлиқ. Булар эса, маҳаллий зилзилаларни энергиясини аниқлаш учун локал магнитудани (ML) халқаро стандартлаштирилган калибрлаш функциясини яратиш имконини бермайди. Бироқ, ML шкаласининг ҳақиқий қийматини аниқлаш маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда калибрлаш функциясини ҳисоблаш тартибининг унификация қилиш имконини беради.

2012 йилгача Ўзбекистон Республикасида маҳаллий зилзилалар магнитудасини баҳолаш Т.Г. Раутианнинг энергетик синфга келтирилган эмперик номограммаси ёрдамида амалга оширилган. Ушбу шкала Рихтернинг локал магнитудаларидан тубдан фарқ қилмайди ва улар орасидаги боғлиқлик қуйидагича:

$$K = \begin{cases} 1.8 * M + 4.0, & M < 5.5 \\ 1.5 * M + 5.6, & M \geq 5.5 \end{cases}$$

Ушбу номограмманинг эквиваленти калибрлаш функцияси ҳисобланади:

$$M_{KP} = \lg V + 2.45 * \lg \Delta - 5.39$$

Бу ерда V - кўндаланг тўлқиннинг максимал амплитудаси, нм/с да, Δ – эпицентрал масофа, км да.

Шунга қарамасдан, магнитудани аниқлашда хатоликларга олиб келадиган бир қанча муҳим омиллар мавжуд. Биринчидан, Т.Г. Раутианнинг номограммаси минтақавий кузатув тармоғига асосланиб қурилган бўлиб, яқин масофаларга экстраполяция қилишда сейсмик тўлқинларнинг сўнишини маҳаллий хусусиятлари ҳисобга олинмаган. Иккинчидан, олдинги қайта ишлаш амалиётида (маълумотларни) магнитудаларда стационар тузатмалар ҳисобга олинмаган.


Турли хил энергияга эга бўлган зилзилалар учун грунтнинг тебраниш тезлиги ва уларнинг спектрал амплитудаларини масофа бўйича сўнишининг минтақавий боғлиқликлигини қуриш учун велосиграммалардаги бўйлама ва кўндаланг тўлқинларнинг энг катта амплитудаси таҳлил қилинди. Зилзила ўчоғидан 500 км масофада жойлашган станциялардан олинган ёзувлар кўриб чиқилди. Барча таҳлил қилинган зилзилалар 0,5М қадам билан бир неча магнитудали гуруҳларга бўлинган. Мисол учун, 1-расмда Фарғона ботиқлигида содир бўлган $M=4,0-6,0$ магнитудали зилзилалар учун экспериментал маълумотлар (v, R) жамланмаси келтирилган.

Ҳар бир магнитудалар гуруҳи учун энг кичик квадратлар усули билан $\lg v = a - b \lg R$ боғлиқликлари қурилган, бу ерда v – S тўлқин амплитудасининг максимал қиймати (мк/сек да), R – эпицентрал масофа (километрда).

Ушбу боғлиқликларни биттага бирлаштириб, магнитудаси $M=3-7,5$ бўлган зилзилалар учун грунтнинг тебраниш тезлиги амплитудасини масофа билан боғлайдиган қуйидаги ифодалар олинди:

$$\lg v = \begin{cases} M - 1.7 * \lg R + 0.91, & 10 < R \leq 100 \text{ км} \\ M - 2.35 * \lg R + 2.26, & 100 < R \leq 500 \text{ км} \end{cases}$$

Грунтнинг тебраниш тезлигини (бўйлама тўлқинлар бўйича) масофа бўйича сўнишининг минтақавий боғлиқлигини куриш учун сейсмик станциялардан $R \leq 500$ км эпицентрал масофаларда содир бўлган магнитудаси $M=3,8-6,0$ зилзилалардан фойдаланилди.



1-расм. Фарғона ботиклигида магнитудаси $M=4,0-6,0$ бўлган зилзилалар учун грунтнинг тебраниш тезлиги амплитудалари сўнишининг экспериментал маълумотлари

Ҳар бир магнитудалар гуруҳи учун энг кичик квадратлар усули билан $lgv = m - b * lgR - c$ боғланишлари қурилган, бу ерда v – R тўлқин амплитудасининг максимал қиймати (мк/сек да), R – эпицентрал масофа (километрда).

Ушбу боғланишларни биттага бирлаштириб, магнитудаси $M=3.8-6.0$ бўлган зилзилалар учун грунтнинг тебраниш тезлиги амплитудасини масофа билан боғлайдиган қуйидаги ифодалар олинди:

$$\begin{cases} lgv = m_b - 1.2 * lgR - 0.5, & 10 \leq R \leq 100 \text{ км} \\ lgv = m_b - 1.2 * lgR - 0.7, & 100 < R \leq 200 \text{ км} \\ lgv = m_b - 1.2 * lgR - 0.9, & 200 < R \leq 400 \text{ км} \\ lgv = m_b - 1.2 * lgR - 1.2, & 400 < R \leq 600 \text{ км} \end{cases}$$

Грунтнинг тебраниш тезлиги ва уларнинг спектрал амплитудаларини масофа бўйича сўнишининг минтақавий боғлиқлиги асосида турли хил эҳтимоллик учун P ($P=0.90$; $P=0.95$ и $P=0.98$) 50 йил давомида сейсмик интенсивлик кўрсатилган кўрсаткичдан ошмаслиги шарти билан грунтнинг тебраниш тезлиги амплитудасининг спектрал қийматларини $T=0.1$ с, $T=0.3$ с, $T=0.5$ с и $T=1$ с даврлари учун Ўзбекистон худудининг сейсмик хавф хариталари қурилди. Ўзбекистон худудининг сейсмик хавфи ҳақида батафсил маълумотни Т.У. Артиков, Р.С. Ибрагимов ва бошқа муаллифларнинг кўплаб нашрларида топиш мумкин.

Диссертациянинг “Зилзилаларни қайд этишнинг қуйи чегарасини магнитудалар орқали ҳисоблаш усули ва зилзила ўчоғи координатаси аниқлашдаги хатоликлар” деб номланган учинчи бобида зилзилаларни қайд этишнинг қуйи чегарасини магнитудалар орқали ҳисоблаш ва зилзилаларнинг ўчоғидаги вақти, чуқурлиги ва эпицентр координатасини аниқлашдаги хатоликларни ҳисоблаш алгоритмлари таҳлил қилинган. Алгоритмлар асосида зилзилаларни қайд этишнинг қуйи чегарасини магнитудалар орқали ифодаловчи хариталар ва зилзилаларнинг ўчоғидаги вақти, чуқурлиги ва эпицентр координатасини хатоликлари хариталари тузилди.

Зилзилаларни қайд этишнинг қуйи чегарасини магнитудалар орқали ифодаловчи хариталар ва зилзила ўчоғи координаталарини аниқлашдаги хатоликлар хариталарини тузиш алгоритмлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, умумий алгоритм қуришнинг икки босқичини ифодалайди.

Фараз қилайлик, маълум бир ҳудудда зилзила ўчоғи координатасини аниқлашда иштирок этувчи станцияларнинг минимал сони m га тенг. Ҳудуднинг ҳар бир майдонидаги хатоларни баҳолаш учун зилзила ўчоғи координаталарини аниқлашда қайси станциялар иштирок этишини билиш керак. Бошқа томондан, худди шу станциялар маълумотларига кўра, ўрганилаётган ҳудуддаги зилзилаларни қайд этишнинг қуйи чегарасига магнитуданинг қандай минимал даражаси $M_{m,\min}$ мос келишини билиш керак. Табиийки, $M_{m,\min}$ ҳудуддаги зилзила ўчоғининг координатасини аниқлашда иштирок этаётган барча станциялар ($1, \dots, m$) маълумотларни қайд этиш бўйича “энг ёмони” кўрсаткичи орқали аниқланади. Агар ҳудуддаги зилзилалар магнитудаси $M_{m2,\min} > M_{m1,\min}$, бўлса, бу зилзила ўчоғининг координаталарини аниқлашда m_1 станция эмас, балки m_2 станция бўлади, $M_{m2,\min}$ барча станциялар ичида сезгирлиги “энг ёмон” кўрсаткичи бўйича аниқланади. Шубҳасиз, $M_{m1,\min}$ нинг зилзила ўчоғи координатасини аниқлашдаги хатоликлар худди шу ҳудуд учун $M_{m2,\min}$ нинг зилзила ўчоғи координаталарини аниқлашдаги хатоликлардан фарқ қилади.

Шундай қилиб, $M_{n,\min}$ гача бўлган зилзила ўчоғи координаталарини аниқлашда $M_{m1,\min}$ қиймати ва хатоликлари ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд, бу ерда $M_{n,\min}$ – ҳудуддаги зилзиланинг энг кичик магнитудаси, қайд этган барча станциялар тизимидан “энг ёмон” станциялардан бири $n/1, \dots, n/$, бу ерда n – ушбу босқичдаги барча ҳудуддаги станциялар сони.

Фараз қилайлик, зилзила ўчоғи координатасини $/X_0, Y_0, H_0/$ аниқлашда иштирок этаётган $1, \dots, m$, станциялар тизимининг “энг ёмон” станцияси $m /X_j, Y_j/$, P тўлқиндаги ёзувнинг амплитудаси $A_{p,\min}$ (мк/с да) ($A_{p,\min} - P$ тўлқинда ёзувнинг амплитудаси, халақит берувчи тўлқинлар фонидан ажратиб олиш имконини берадиган). Бундай ҳолда, ушбу станциядаги грунтнинг тебраниш тезлиги амплитудаси $A_{p,\min}$ микрометр/с да қуйидагича бўлади:

$$A_{p,min} = \frac{C_s * V}{K_u * S_d * 2^{A/D \text{ bit}-1}} * 10000$$

C_s – аналог-рақамли конвертордан чиқувчи сигнал қийматлари (микросейсмик шовқулар даражаси);

V – аналог-рақамли конверторнинг кириш кучланиши;

K_u – кучайтиргичнинг кўпайиш коэффициентини;


S_d – датчикнинг (сейсмометр) сезгирлиги

$2^{(A/D \text{ bit}-1)}$ - рақамли конверторнинг даражаси

$M_{min} = \lg A_{min} + 1.2 * \lg R + C$ Ҳозирги вақтда республикада m_b магнитудани аниқлаш учун грунтнинг тебраниш тезлиги ва уларнинг спектрал амплитудаларини масофа бўйича сўнишини (бўйлама тўлқин P бўйича) минтақавий боғланишига $M_b=f(\lg A, \lg R, C)$ мос келадиган корреляцион боғланишдан фойдаланилади, бу ерда R – эпицентрал масофа, C – P тўлқин амплитудасини сўниш коэффициентини. Ушбу усул иккинчи бобда батафсил ёзилган. Шундай қилиб, $A_{p, m,min} (R)$ дан $M_{m,min}$ га ўтиш учун қонуниятдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кейинги босқичда $M_{m,min}$ и $A_{p,min}$ ўртасида чизикли боғлиқлик мавжуд:

Станциялардаги микросейсмик шовқин даражасини баҳолаш асосида ишлаётган станциялар тармоғининг зилзилаларни қайд этишнинг қуйи чегараси магнитудалар орқали баҳоланди.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, кўриб чиқилётган ҳудудда $n=3$ да (учта станция билан) зилзилаларни қайд этишнинг қуйи чегарасининг энг кичик магнитудалари M_{3min} 1,7 дан 3,8 гача ўзгариб туради. Олинган маълумотлар 0,25 бирлик қадам билан M_{3min} изолиния харитасини тузиш имконини берди (2-расм), дастур бундай хариталарни янада майда қадам билан тузиш имконини беради.



2-расм. Зилзилаларни қайд этишнинг қуйи чегарасини M_{3min} схематик харитаси (ФВВ СМРМ тармоғи бўйича 2020 й)

2-расмдан кўриш мумкинки, Тошкентолди геодинамик полигони ҳудудидаги станциялар тармоғи ($M_{3min} \approx 2,0$) энг юқори сезгирликка эга бўлиб, Тошкентолди полигонининг шимолига қараб аста-секин пасайиб боради. Харитада юқори сезгирликдаги сейсмик станцияларнинг тўпланган

жойлар Шарқий ва Тошкентолди геодинамик полигонларида изолиния чизиқларининг энг катта эгрилиги ифодаланган.

Худуднинг асосий сейсмик фаол зоналарида $M_{3\min}$ кўрсаткичларини сезиларли даражада фарқ қилишига эътибор беринг. Демак, Шарқий ва Тошкентолди полигонлари учун $M_{3\min}$ 1,9 ÷ 2,2 даражасига тўғри келса, жанубий полигон учун бу даражадан 0,4 ÷ 0,6 га, ғарбий полигон учун эса 1,0-1,4 магнитудага ошади.

Бундан ташқари, кучсиз сейсмикликни ўрганиш жараёни шуни кўрсатдики, мавжуд сейсмик станцияларнинг 47% зилзила ўчоғидан унча узоқ бўлмаган масофада жойлашган бўлсада, $M_{3\min}$ даражасидаги зилзилаларни қайд этишда деярли қатнашмади. Бу эса, ушбу станцияларни бўлиши мақсадга мувофиқми деган саволни қўйиш имконини беради.

Шунингдек, зилзила ўчоғи вақти, чуқурлиги ва эпицентр координаталари хатолигини аниқлашда В.Ю. Бурмин ва Т.У. Артиков алгоритмлари ишлатилган.

Эпицентр координаталарининг хатосини ҳисоблаш учун биринчи навбатда, ҳар бир станциянинг ҳақиқий сейсмик шовқини ҳисобга олинган ҳолда унинг зилзилаларни қайд этишнинг қуйи чегараси баҳоланди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг замонавий сейсмологик кузатувлар тармоғи (координаталар оралиғи $\varphi=38^0\div 43^0$ ШК ва $\lambda=63^0\div 74^0$ ҒУ) 2,7 магнитудали зилзилаларни ўтказиб юбормасдан қайд этади. Кейинги босқич зилзила ўчоғи вақти, чуқурлиги ва эпицентр координаталари хатолигини аниқлашда хатоликни баҳолаш эди. Ушбу бобда магнитудаси 2,7 ва ундан юқори зилзилалар учун эпицентрал масофа ($\partial\Delta$), чуқурлик (∂h) ва ўчоқ вақтини (∂t) аниқлашдаги хатоликлар ҳисоблаб чиқилган. Ўзбекистон худудининг кўп қисмида сейсмик тўлқинларнинг келиш вақтини аниқлашдаги максимал хатоликлар 1с га тенг, гипоцентр чуқурлигини аниқлашдаги хатоликлар 15 км, эпицентрларни аниқлашдаги хатоликлар эса 5 км дан ошмаган.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, кўриб чиқилаётган худуд учун координаталардаги хатоликларнинг максимал қиймати 5 дан 40 км гача ўзгариб туради. Кутилганидек, хатоликларнинг минимал қийматлари эпицентрни станциялар билан бир хил муҳитда ўраб олинган жойларда яъни, Ўзбекистоннинг Фарғона, Тошкентолди, Самарқанд ва Жанубий геодинамик полигонларнинг марказий худудларига тўғри келади. Максимал қийматлар кўриб чиқилаётган худуднинг шимолий-ғарби ва ғарб қисмларига тўғри келади.

Ҳозирги вақтда зилзила ўчоғинининг чуқурлигини аниқлашда энг катта хатоликлар кузатилмоқда. Сейсмик станциялардан бири эпицентр яқинида жойлашганида ўчоқ чуқурлигининг хатолиги минимал бўлади ва эпицентрдан масофа ортган сайин хатолик кескин ортади. Баъзи ҳолларда ∂h хатоликлар ўчоқ чуқурлиги қийматларидан бир неча марта ошиб кетиши мумкин. Кўриб чиқилаётган худудда ∂h эҳтимоллик хатоларининг қийматлари 4 дан 40 км гача ўзгариб туради

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, худуднинг асосий қисми учун

зилзила ўчоғи вақтини аниқлашда эпицентрга нисбатан станцияларнинг масофасига қараб 1с ва 1,2 с оралиғида ўзгариб туради. Ўзбекистоннинг ғарбий қисмида зилзила ўчоғининг вақти хатолиги энг катта қийматларда аниқланади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси сейсмик кузатувлар тармоғининг самарадорлигини баҳолаш ва уни такомиллаштириш”** деб номланган тўртинчи бобида сейсмик кузатувлар тармоғининг самарадорлигини баҳолаш натижалари ва уни такомиллаштириш йўллари келтирилган.

Сўнгги йилларда, Ўзбекистон Республикасининг сейсмик кузатувлар тармоғи сезиларли ривожланди. Бир қанча янги сейсмик станциялар очилди, кучли тебранишлар тармоғи яратилди, уч каналли кенг полосали сейсмометрлар ва акселерометрлар ўрнатилди.


Станциядаги сейсмик шовқинлар даражаси станция фаолияти самарадорлигини белгиловчи муҳим мезонлардан биридир. Станцияларнинг ишлаши давомида сейсмик маълумотларни қайта ишлаш самарадорлигини ошириш учун шовқин модели ва унинг ўзгариши ўрганилади. Шовқин ўрганишнинг муҳим жиҳати сейсмик станцияларнинг қайд этиш каналлари ҳолатини кузатишдир.

Сейсмик шовқинларни ўрганиш шуни кўрсатдики, сейсмик станцияларнинг 35% тўғри ўрнатилган, чунки улар қояли жинслар устида жойлашган, шунинг учун, бу станцияларда шовқин даражаси моделнинг қуйи даражасига яқин, аҳоли яшайдиган жойлардан узоқда жойлашган сейсмик станцияларнинг 30% ўртача шовқин даражаси билан тавсифланади. Қолган сейсмик кузатув пунктлари (35%), юмшоқ бириккан ҳамда бирикмаган жинсларда ва шаҳарларда жойлашган бўлиб, юқори шовқин даражаси билан ажралиб туради.


Бундан ташқари, минтақавий масофалардаги сейсмик станцияларнинг фаолиятини баҳолаш Сейсмопрогностик мониторинг республика марказининг (СМРМ) 2020 йил учун тузилган каталогдан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. 2020-йилда СМРМ зилзилаларнинг жамланма каталогини тузишда 40 та сейсмик станция маълумотларидан фойдаланилган. 2020 йилда зилзилаларнинг жамланма каталогини яратиш учун Марказий Осиё тармоғининг 10 та станциясидан фойдаланилган, улардан еттитаси (Терек Сай – TRKS, Аркит – ARK, Арсланбоб – ARSB, Ош – ОНН, Суфи-Курган – SFK, Дараут-Курган – DRK ва Баткен - ВТК) Қирғизистон ҳудудида, учтаси (Гарм – GRM, Симиғанж – SIM ва Гезен - GZN) Тожикистон ҳудудида жойлашган. 2020 йилда 40 та сейсмик станция ёрдамида 87771 та сейсмик ходиса қайд этилган.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, Шохимардон (SXM) станцияси ишончли тарзда етакчилик қилмоқда – ушбу станция маълумотлари зилзила каталогидаги ходисаларнинг деярли 45%ни қайта ишлаш учун қўлланилган. Чимён (СНМ) станцияси ундан бир оз пастроқ – унинг маълумотлари ходисаларнинг тахминан 41% ёзувларини қайта ишлашда қўлланилган. Қолган станциялар улардан сезиларли даражада

орқада. Жадвалнинг куйи қисмида йирик шаҳарлардаги (Наманган, Андижон, Самарқанд, Тошкент, Бойсун ва Жиззах) жойлашган станциялар жойлашган (3-расм).



3-расм. 2020 йил учун zilzila каталогини тузишда станцияларнинг иштироки



4-расм. 2020 йил учун станцияларнинг геодинамик полигондаги жойлашувини ҳисобга олган ҳолда zilzilalar каталогини тузишда иштироки

Станцияларнинг самарадорлигини баҳолашда сейсмик станцияларни турли даражадаги сейсмик фаолликдаги ҳудудларда жойлашган бўлиши мумкинлигини ҳам ёдда тутиш керак. Масалан Шохимардон (SXM) ва Чимён (CHM) станциялари Манғит (MNGT) ва Тахтакўпир (THTP) станцияларидан фарқли ўлароқ сейсмик фаоллиги жуда юқори бўлган ҳудудда жойлашган бўлиб, улар томонидан қайд этилган сейсмик ҳодисаларни кўплигини ушбу ҳолат билан тушинтириш мумкин. Станциялар учун муҳим хусусият унинг фаол ёки тинч минтақада бўлишидан қатъий назар, сейсмик ҳодисаларни қайд этишидир.

Шунингдек, станцияларнинг самарадорлигини тўғрироқ аниқлаш учун йил давомида бир қатор сабабларга кўра (бузилиш, алоқа каналидаги узилишлар, модернизация) станция ўз маълумотларини жўната олмаслик ва

шунга мос равишда каталогни тузишда иштирок этмаслигини ҳисобга олиш керак. Шунинг учун, ҳар бир станциянинг каталог тузишдаги иштироки маълумотларни келиши ва унинг геодинамик полигонда жойлашувини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилди. (4-расм).

Олиб борилган таҳлиллар шуни хулоса қилиш имконини бердики, станциянинг самарадорлиги унинг жамланма каталогни тузишда қўшган ҳиссаси ҳамда сейсмик шовқиннинг даражасидан ташқари кўплаб омилларга боғлиқ. Масалан, станциянинг сейсмик фаол зоналарга нисбатан жойлашуви, асбоб-ускуналарнинг сифати, маълумотлар маркази билан каналларни сифатига боғлиқ. Ҳозирда ўн бешта сейсмик станциялар – Шохимардон (SXM), Чимён (CHM), Тошота (TSHT), Мамай (MAM), Товоқсой (TVKS), Томдибулоқ (TMD), Сох (SOH), Агалик (AGL), Хумсон (XMS), Ангрэн (ANG), Қорасой (KRS), Зарабоғ (ZRB), Қулқудуқ (KLK), Бахмал (BHML) ва Жонгелди (DJN) минтақавий мониторингда энг юқори самарадорликни намоён этмоқда. Каталогни тузишда Қирғизистон тармоғидаги станциялар, шунингдек, Тожикистоннинг Гарм (GARM) станцияси ҳам катта ҳисса қўшган. Шуни таъкидлаш керакки, станцияларнинг муҳимлиги нафақат унинг сезгирлиги ёки қайд этган ҳодисаларни сони билан белгиланади. Масалан, Фарғона (FRG), Наманган (NMG), Тошкент (TAS), Самарқанд (SMR) ва Жиззах (DJZ) станциялари йирик шаҳарларда жойлашган бўлиб, шунга мос равишда сейсмик шовқин даражаси юқорилиги сабабли сезгирлиги паст. Бироқ, энг йирик мегополислар ҳамда стратегик жойлардаги кучли ва сезиларли zilzilаларни мониторинг қилишда уларнинг маълумотлари жуда муҳимдир.

Мавжуд вазият – сейсмик кузатувлар тармоғининг имкониятлари Республика бўйича бир хил эмаслиги тармоқни такомиллаштиришни талаб қилади. Бу вазифалар кучли zilzilалар эпицентрал ҳудудларида маҳаллий ва минтақавий сейсмик тармоқларни яратиш учун долзарб ҳисобланади. Такومиллаштирилган тармоқларни ташкил қилишда станциялардаги сейсмик шовқинлар даражасини билиш, асбоб-ускуналарнинг сезгирлигини (минимал ва максимал имкониятлари) таҳлил қилиш ва тармоқни ривожлантиришни илмий асосланган режаларини тузиш имконини беради.

Ўзбекистон ҳудуди $\varphi=38,80\div 45,50$ ШК ва $\lambda=56,0\div 73,20$ ШУ координаталари билан чегараланган. Ҳудудда 40 та сейсмик станция мавжуд бўлиб, бир текисда жойлашмаган. Шу сабабли, Ўзбекистонда сейсмологик станциялар тармоғини такомиллаштириш вазифасини қуйидаги иккита вариант бўйича таъминлаш мумкин:


1-вариант: Мавжуд станцияларнинг умумий сонидан маълум бир магнитудали zilzilаларни тўлиқ қайд этишини таъминловчи самарали станцияларнинг оптимал тўпламини танлаш;

2-вариант: Сейсмоген зоналарни ҳисобга олган ҳолда бир вақтнинг ўзида оптимал кузатувлар пунктларини қўшган ҳолда мавжуд тармоқдан самарадорлиги паст станцияларни бошқа жойга кўчириш.

Мавжуд станцияларнинг умумий сонидан самарали станцияларнинг оптимал тўпламини танлаш учун сейсмик станцияларнинг жойлашуви (чўкинди жинс ёки қояли жинс) ва шовқин даражасининг спектрал таҳлилига эътибор қаратилган. Сейсмик шовқиннинг спектрал таҳлили шуни кўрсатдики, сейсмик станцияларнинг 65% паст ва ўрта шовқин даражалари билан характерланади.

Сейсмик кузатувлар тармоғини баҳолаш натижасида 40 та сейсмик станциядан 26 та самараси юқори бўлган станциялар ажратиб олинди.

Биринчи вариант бўйича юқори самарали станциялар асосида ушбу тармоққа янги станциялар қўшилади. Тармоққа янги станцияларни қўшишда қўшни Республикалардаги чегараолди станцияларини жойлашиш жойи ва Ўзбекистон Республикасидаги сейсмоген зоналар ҳисобга олинган. Шундай қилиб, 2-вариант учун олинган такомиллаштирилган тармоқ 37 та станциядан иборат (5-расм).



5-расм. Такомиллашган сейсмик кузатувлар тармоғи

Мавжуд ва такомиллаштирилган тармоқларнинг имкониятларини солиштириш учун такомиллаштирилган тармоқни зилзилаларнинг ўчоғидаги вақти, чуқурлиги ва эпицентр координатасини аниқлашдаги хатоликлари ҳисоблаб чиқилди.

Такомиллаштирилган тармоқ учун Ўзбекистон ҳудудида зилзилалар эпицентрларини аниқлашда максимал хатолик 5 км дан, чуқурлиги 6 км дан, зилзила ўчоғи вақти эса 1с-1.2с дан ошмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, сейсмик кузатувлар тармоғи такомиллаштириш натижасида, Республика бўйича зилзилалар эпицентрини аниқлашдаги хатоликлар икки баробарга (Ғарбий Ўзбекистонда 3 баробар), чуқурлиги бўйича хатоликлар Ғарбий Ўзбекистон учун уч баробарга камайган. Зилзила ўчиғининг вақтини аниқлашдаги хатоликлар ўзгаришсиз қолган.

ХУЛОСА

Ўтказилган илмий-тадқиқот ишлари асосида қуйидаги илмий натижалар олинган:

1. Ўзбекистон Республикаси шароитида биринчи марта турли хил энергияга эга бўлган зилзилалар учун грунтнинг тебраниш тезлиги ва уларнинг спектрал амплитудаларини масофа бўйича сўнишининг минтақавий боғлиқликлари олинган.

2. Грунтнинг тебраниш тезлиги амплитудаларини масофа бўйича сўнишининг минтақавий боғлиқликларидан фойдаланган ҳолда зилзилаларни қайд этишнинг қуйи чегараси магнитудалар орқали баҳоланган ҳамда сейсмик кузатувлар тармоғи бўйича зилзилалар координатаси, чуқурлиги ва зилзила ўчоғи вақтини аниқлашдаги хатоликлари ҳисобланган.

3. Олиб борилган таҳлил натижалари шуни хулоса қилиш имконини бердики, станциянинг самарадорлиги унинг жамланма каталогни тузишда қўшган ҳиссаси ҳамда сейсмик шовқиндан ташқари кўплаб омилларга боғлиқ. Жумладан, станциянинг сейсмик фаол зоналарга нисбатан жойлашуви, асбоб-ускуналарни сифати, маълумотлар маркази билан каналларни сифатига боғлиқ. Ҳозирда 15 та сейсмик станциялар – Шохимардон (SXM), Чимён (CHM), Тошота (TSHT), Мамай (MAM), Товоқсой (TVKS), Томдибулоқ (TMD), Сох (SOH), Агалик (AGL), Хумсон (XMS), Ангрэн (ANG), Қорасой (KRS), Зарабоғ (ZRB), Қулкудук (KLK), Бахмал (BHML) ва Жонгелди (DJN) минтақавий мониторингда энг юқори самарадорликни намоён этмоқда.

4. Сейсмик шовқинларни ўрганиш шуни кўрсатдики, сейсмик станцияларнинг 35% тўғри ўрнатилган, чунки, қояли жинслар устида жойлашган, шунинг учун, бу станцияларда шовқин даражаси моделнинг қуйи даражасига яқин, аҳоли яшайдиган жойлардан узоқда жойлашган сейсмик станцияларнинг 30% ўртача шовқин даражаси билан тавсифланади. Қолган сейсмик кузатув пунктлари (35%), юмшоқ бириккан ҳамда бирикмаган жинсларда ва шаҳарларда жойлашган бўлиб, юқори шовқин даражаси билан ажралиб туради.

5. Содир бўлаётган зилзилаларнинг координаталарини тезкорлик билан аниқлаш ва минимал магнитудали зилзилаларни қайд этиш билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал қилиш учун сейсмометрик кузатувлар тармоғи такомиллаштирилган. Сейсмик кузатувлар тармоғини такомиллаштириш натижасида, Республика бўйича зилзилалар эпицентрини аниқлашдаги хатоликлар икки баробарга (Ғарбий Ўзбекистонда 3 баробар), чуқурлиги бўйича хатоликлар Ғарбий Ўзбекистон учун уч баробарга камайган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ИНСТИТУТЕ СЕЙСМОЛОГИИ**

ИНСТИТУТ СЕЙСМОЛОГИИ

КУЧКАРОВ КАХРАМОН ИСРАИЛОВИЧ

**ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ СЕТИ СЕЙСМИЧЕСКИХ
НАБЛЮДЕНИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

04.00.06 – Геофизика. Геофизические методы поиска полезных ископаемых

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Ташкент-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.4.PhD/FM667

Диссертация выполнена в Институте сейсмологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.seismos.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Артиков Турдали Усманиевич

доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Туйчиев Ахмаджон Исмаилович

доктор физико-математических наук

Алимухамедов Илхом Мизратович

кандидат геолого-минералогических наук

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Защита диссертации состоится «31» мая 2022 г. в 10-00 часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 при Институте сейсмологии, (Адрес: 100128, г.Ташкент, ул.Зулфияхоним, 3 Тел. +99871-241-51-70; +99871-241-74-98; E-mail: seismologiya@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института сейсмологии им.Г.А.Мавлянова (регистрационный номер №1145. (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Зулфияхоним, 3. Тел.: (99871) 241-51-70).

Автореферат диссертации разослан «13» мая 2022 года

(реестр протокола рассылки №9 от «13» мая 2022 года)

К.Н.Абдуллабеков

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., академик

З.Ф.Шукуров

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
философии (PhD) по г.-м.н.

С.Х.Максудов

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике по результатам сейсмометрических исследований особое внимание уделяется обеспечению сейсмической безопасности населения и территорий, изучению глубинного строения земли, глубинных геодинамических процессов, оценке сейсмической опасности крупных промышленных объектов и плотин, проектированию сейсмоустойчивых зданий в сейсмоактивных районах. На сегодняшний день создание сети сейсмических наблюдений, позволяющих регистрировать параметры землетрясений с высокой точностью, имеет большое значение и позволяет решить ряд неотложных задач, направленных на обеспечение сейсмической безопасности населения и территории.

В настоящее время в странах, расположенных в сейсмоактивных регионах мира, с целью полного контроля напряженно-деформированного состояния земной коры проводятся научно-прикладные исследования по повышению точности сейсмических наблюдений и разработке методов оперативного определения параметров произошедших землетрясений. В связи с этим особое внимание уделяется созданию систем раннего оповещения государственных органов и населения в этой сфере позволить снизить потенциальный ущерб от землетрясений.

В нашей Республике реализуются целенаправленные меры по защите населения и территории республики от сейсмической опасности. Создаются условия для проведения научно-исследовательских работ в области сейсмологии и сейсмостойкого строительства на уровне мировых стандартов. Укрепляется материально-техническая база сети станций, используемых для оценки сейсмической опасности и регистрации предвестников землетрясений. В «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» определены задачи по «...обеспечению жизнедеятельности населения в экологически безопасной среде...»¹. В связи с этим организация сейсмического мониторинга на территории республики и трансграничных зон, а также на природно- и техногенно-опасных территориях и важных объектах, для ликвидации последствий при наличии риска возникновения сильных и разрушительных землетрясений имеет важное значение при решении широкого круга задач, направленных на обеспечение сейсмической безопасности населения и территории.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указах и постановлениях Президента Республики УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5066 от 1 июня 2017 г. «О мерах по коренному повышению эффективности системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций», № ПП-3190 от

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

9 августа 2017 года «О мерах по совершенствованию проведения научных исследований в области сейсмологии, сейсмостойкого строительства и сейсмической безопасности населения и территории Республики Узбекистан» и №ПП-4794 от 30 июля 2020 г. «О мерах по коренному совершенствованию системы обеспечения сейсмической безопасности населения и территории Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики (Программа VIII – «Науки о Земле» – геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья).

Степень изученности проблемы. Об актуальности работ в этом направлении свидетельствует ряд публикаций прошлого века, связанных с оценками эффективности сетей сейсмических наблюдений как в глобальных (Кондорская, Аранович 1970, 1971, 1972), так и в региональных масштабах (Дубинская 1972).

Работы З.И. Арановича, И.Б. Дубинского посвящены оценке координат эпицентров землетрясений для регионов ограниченных масштабов со сравнительно малым числом вводимых данных. В этих работах, в зависимости от дислокации существующих и проектируемых станций, и ошибок S-P на станциях, на основе полученного аналитического решения оцениваются погрешности в определении координат эпицентров и глубины для всевозможных комбинаций из трех станций. Сравнение результатов при этом идёт по экстремальным значениям погрешностей.

